

Абдуллаева Н. С.

Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети, PhD
nigora_abdullayeva@bk.ru

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ САНОАТИДА ТАРМОҚЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда автомобиль ишлаб чиқариш ҳамда соҳани ривожлантириш стратегиясида қисқа давр ичида аҳамиятга молик натижаларга эришилди. Бугунги кунда мамлакатимиз автомобилсозлари фақатгина ўзлаштирилган билим ва кўникмалар билан чекланмасдан, муттасил равишда дунё автомобилсозлиги ривожига рўй бераётган янгиликлар, инновацияга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш борасида ҳам талайгина ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Зотан, автомобиль саноатини ривожлантириш сиёсати – нафақат мамлакатимиз, балки хорижий давлатлар иқтисодиёт тармоқларини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, ҳаётий зарур саноат тармоқларини барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирлар мажмуидан иборат, десак муболаға бўлмайди.

Калит сўзлар: Глобаллашув, автомобиль саноати, рақобатлашув, қўшма корхона, сифатни бошқариш, стратегик режалар, маркетинг.

Абдуллаева Н. С.

Узбекский государственный университет
мировых языков, PhD
nigora_abdullayeva@bk.ru

ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ САНОАТИДА ТАРМОҚЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ АННОТАЦИЯ

В Узбекистане за короткий промежуток времени были достигнуты значительные результаты в стратегии автомобильного производства и развития отрасли. Сегодня автопроизводители нашей страны постоянно работают над инновациями в развитии мирового автопрома, производством, основанным на инновациях, не ограничиваясь только приобретенными знаниями и навыками. Уже сейчас политика развития автомобильной

промышленности – состоит из комплекса мер, направленных на структурную реконструкцию отраслей экономики не только нашей страны, но и зарубежных стран, строительство и развитие жизненно важных отраслей, не будет преувеличением сказать.

Ключевые слова: Глобализация, автомобильная промышленность, конкуренция, совместное предприятие, управление качеством, стратегические планы, маркетинг.

Abdullayeva N. S.
Uzbek State University of
World Languages, PhD
nigora_abdullayeva@bk.ru

**ЎЗБЕКИСТОН АВТОМОБИЛЬ САНОАТИДА
ТАРМОҚЛАРИНИНГ КЕНГАЙИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ
ABSTRACT**

In Uzbekistan, significant results were achieved in the strategy of automobile production and development of the industry in a short period of time. Today, the automakers of our country are constantly working on innovations in the development of World auto industry, innovation-based production, not limited only to acquired knowledge and skills. Already, the policy of the development of the automobile industry – consists of a set of measures aimed at the structural reconstruction of the economic sectors of not only our country, but also foreign countries, the construction and development of vital industries, there will be no exaggeration to say. However, in accelerating this process, it is necessary to regularly update the production infrastructure, study international experience, create a managerial and innovative intellectual ground of industrial production, and not limited to uniformity.

Keywords: globalization, automotive industry, competition, joint venture, quality management, strategic plans, marketing.

КИРИШ

Бугунги кунда ижтимоий-гуманитар фанларнинг эътиборини энг кўп тортаётган долзарб масалалардан бири – глобаллашув жараёнидир. Бу, зарурий ҳол, албатта. Чунки қатор фанлар томонидан яратилган назарий ва амалий билимлар глобаллашув шароитида қайта кўриб чиқилишига тўғри

келмоқда [1]. Бунинг натижасида “глобал макон”, “глобал иқтисод”, “глобал сиёсат”, “глобал маданият” ва яна кўплаб “глобал” тушунчаси билан интеграциялашган янги атамалар юзага келди. Буюк Британиялик олим З.Бауман айтганидек, “глобаллашув” ҳозирда ҳамманинг оғзидан тушмайдиган, урфга ҳамда шиорга айланган сўз, сеҳрли ҳамда барча мавжуд ва бўлғуси тилсимларнинг эшигини очиб берувчи қандайдир калит бўлиб қолди. Ким учундир “глобаллашув” – бу бахтли ҳаёт учун зарур бўлган жараён, бошқалар учун эса, барча бахтсизликлар сабабчисидир” [2].

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар пухта ўйланган режа ва дастурлар асосида амалга оширилмоқда. Ҳар бир ривожланиш дастури аниқ натижага эришишни кўзлаб, республикамиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг барча муҳим жиҳатларини қамраб олмоқда.

Дарҳақиқат, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [3] ҳам миллий иқтисодиёт корхоналарининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардошлигини ошириш бўйича вазифалар белгилаб берилгани автомобилсозлик саноатининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

ТАДҚИҚОТНИНГ АСОСИЙ НАТИЖАЛАРИ

Миллий иқтисодиёт корхоналарининг рақобатбардошлигини оширишда белгилаб берилган муҳим вазифалар қаторида 2020 йилгача саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини босқичма-босқич 40 фоизгача кўпайтириш, машинасозлик саноатини янада юқори суръатлар билан ривожлантириш, саноат ишлаб чиқаришининг ҳудудий жойлашуви ва таркибини такомиллаштириш масаласини ҳал этиш, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш билан шуғулланадиган ва рақобатга бардошли тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар ташкил этишга устувор аҳамият бериш, замонавий ишлаб чиқариш яхши ривожланмаган аҳоли пунктларида кичик корхоналар ёки маҳаллий хом ашё асосида маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги кўшма корхоналар ташкил этиш, мавжуд ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш ва технологик янгилашга йўналтирилаётган хорижий

инвестицияларни янада кенг қўламда жалб этиш каби масалаларни ҳаётга жорий этиш борасида қўплаб самарали ишлар амалга оширилмоқда [4].

Ушбу вазифаларни амалга ошириш иқтисодий глобаллашув шароитида автомобилсозлик саноати стратегиясини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон автомобилсозлик стратегиясида давлат ички ва ташқи савдо сиёсати, инвестиция мажмуасини такомиллаштириш, солиқ, божхона ва ҳудудий тараққиёт сиёсатининг самарали воситаларидан унумли фойдаланиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади [5].

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, республика автомобилсозлигида миллий ишлаб чиқаришни саноатлаштириш сиёсати саноат тармоғидаги иқтисодий-молиявий, ташкилий-ҳуқуқий, техник-инновацион жараёнларни рағбатлантириш [6], хусусий сектор имкониятларини тўла сафарбар қилишга шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари билан биргаликда, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари билан саноатнинг интеграциялашувини қўллаб-қувватлашни тақозо этади.

Ўзбекистонда автомобиль саноатини янада ривожлантириш жараёни унинг иқтисодиётнинг барча тармоқларига, хусусан, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш соҳаларига жадал кириб бориши, яъни техника ва машинанинг ишлаб чиқариш жараёнига кенгроқ жорий этилиши билан тавсифланади [7].

Бу борада жаҳон тажрибасига назар ташланадиган бўлса, дунёдаги ривожланган мамлакатларнинг саноатлаштириш тажрибасида саноат тараққиётида дастлаб қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва тоғ-кон маъданларини қайта ишлаш соҳалари жадал ривожлантирилгани ойдинлашади [8]. Саноатлашган жамиятда эса, қайта ишлаш саноатининг ўзи ахборот технологиялари ёрдамида юқори даражада такомиллаштирилади. Саноатлаштириш жараёнида бевосита саноатда йирик хусусий автомобиль ишлаб чиқарувчи корпорациялар шаклланади ва бу саноатлашган жамиятнинг асосий белгисига айланади.

Мамлакатимизда автомобиль саноатини ривожлантириш сиёсати жаҳон иқтисодий глобаллашуви шароитида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш орқали

таъминлашга қаратилган бўлиб, бу сиёсат алоҳида тармоқ ёки тармоқларни ривожлантиришга нисбатан кенгроқ мақсадни кўзлайди [9]. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг қиёсий устунликлардан фойдаланиш имкониятлари кенгайди ҳамда мамлакатнинг барча ресурсларидан самарали ва тўлиқ фойдаланишга эришилади.

Умуман олиб қараганда саноатлаштириш сиёсати муайян мамлакатда иқтисодиёт тармоқларини таркибий жиҳатдан қайта қуриш, ҳаётий зарур саноат тармоқларини барпо этиш ва ривожлантиришга қаратилган тадбирлар мажмуидан иборат. Аммо, мазкур бу жараёни тезлаштиришда бу билан чекланиб қолмасдан, ишлаб чиқариш инфратузилмасини барпо этиш, саноат ишлаб чиқаришини бошқарувчи ва янгиловчи интеллектуал асосни яратишни тақозо этилади [10].

Истиқболда қуйидаги асосий ўзгаришлар саноатлашув жараёнининг жадал ривожланишини белгилаб беради:

саноат корхоналарида глобаллашувнинг таъсирини инобатга олган ҳолда бозорнинг самарали фаолият олиб боришини таъминлашга эътибор қаратиш;

ахборот технологияларига асосланган жараёнларнинг тобора ортиб боруви таъсирини иқтисодиёт тармоқларига кенг ёйишни жорий этиш;

илмталаб саноатда кичик ва хусусий тадбиркорлик фирмаларининг роли ва аҳамияти ошиб бориши ва уларнинг ўсишини таъминлаш;

замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларининг пайдо бўлишига шароит яратиш, самарадорлиги кескин пасаяётган тармоқларни илғорларига алмаштириш.

Юқоридаги мулоҳазаларни умумлаштириб айтиш мумкинки, саноатлаштириш – глобаллашув шароитида илғор технологияга асосланган саноат тармоқларининг хусусий сектор ва давлат томонидан жадал ривожлантирилиши ҳамда илмий-техника [11] ютуқларининг барча соҳаларда кенг қўлланилиши орқали миллий иқтисодиётнинг жаҳон ҳўжалигидаги рақобатбардошлиги доимий ошиб боришини билдирувчи иқтисодий-технологик жараёндир. Бу жараёнинг мураккаблиги шундаки, кучли рақобат шароитида

мамлакатларнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги фаол иштироки унинг имконият даражасидан келиб чиқиб таъминланади.

Қайд этиш жоизки, бугунги кунга келиб саноатлаштириш жараёни барча мамлакатлар учун ҳаётий бир зарурат эканлиги ойдинлашмоқда, чунки жаҳон хўжалигининг глобаллашаётган бир даврида мамлакатлар ўртасида пайдо бўлган [12] “чексиз рақобат муҳити” ва юқори суръатлар билан авж олаётган боғлиқлик даражасининг ортиши миллий саноатни модернизациялашни тақозо этади.

1995 йил январь ойида «Узавтосаноат» уюшмаси ҳамда Жанубий Кореянинг “Koram plastic Co Ltd.” корпорацияси билан тузилган шартнома асосида “Uz-Koram Co” ёпиқ акциядорлик жамияти ташкил этилди. 1997 йил июнь ойида завод биноларининг реконструкция ишлари тугалланиб, автомобиллар учун бамперлар ва асбоблар панели ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Қўшма корхонани ташкил этишдан асосий мақсад автомобиллар учун эҳтиёт қисмларни импорт қилишни қисқартириш ва уларнинг нархини пасайтиришдан иборат бўлиб, дастлабки йилларда заводнинг истеъмолчиси фақат Асака автомобиль заводи бўлган. Дастлаб қўшма корхона “Tico” ва “Damas” автомобиллари учун олд ва орқа бамперлар ишлаб чиқарган. Кейинчалик завод “Matiz” автомобиллари учун ҳам эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқара бошлади.

Завод Япониянинг “Mitsubishi Motors” компанияси ускуналари билан жиҳозланган ҳамда бу янги ускуна ва маҳсулотларни ўзлаштириш учун ҳар йили корхонанинг 40 нафаригача ходимлар Жанубий Кореяда амалиёт ўташ ва малака ошириш учун жўнатиладиган бўлди. Бу эса Асака автомобиль заводининг пластмасса бутловчи қисмларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қондириш имкониятини берди. Қўшма корхона нафақат Асакадаги автомобиль заводини таъминлади, балки ўз маҳсулотини Россияга экспорт қила бошлади. Бу корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга хорижий давлатларда ҳам эҳтиёжнинг баландлиги унинг барча халқаро сифат стандартларига жавоб

беришидан далолат беради. Бугунги кунда заводда автоматлашган бўяш линияси ҳам йўлга қўйилган. Бу эса, бамперларни автомобиль кузовининг рангига мос қилиб ишлаб чиқариш имконини беради. Корхона 2010 йилдан ўзининг ички уставига эга бўлиб, ишлаб чиқаришда юқори технологияларни қўллаб келмоқда [13].

Дастлаб “UzDaewooAuto” қўшма корхонаси автомобилларининг салони учун бутловчи қисмлар Жанубий Кореянинг “Dong Yang Korea Co., Ltd.” компанияси ҳисобидан таъминлаб келинди. Кейинчалик, 1996 йилга келиб “Uz Dong Yang Co.” қўшма корхонаси ташкил этилди.

Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 4 июндаги “Uz-Dong Yang Co.” компанияси тузилиши тўғрисида”ги Қарори асосида ташкил этилган бўлиб, ушбу Қарорга биноан 2009 йилда корхонанинг устави қабул қилинди [15].

“Nexia”, “Damas”, “Matiz” автомобилларининг ички салон беаги, яъни эшикларнинг қопламалари, оёқ остига тўшаладиган ковроланлар, шифт панеллари, пол тўшамалари корхона томонидан ишлаб чиқариладиган асосий маҳсулотлар сирасига киради. Корхона маҳсулотлари халқаро сифат талабларига тўлиқ жавоб беради. Корхонада ишчи ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига ҳам алоҳида эътибор берилади. Дастлабки йилларда 100 дан ортиқ ходимлар Жанубий Кореяда таълим олиб келишган.

Мустақиллик даври тарихига назар ташлайдиган бўлсак, 1996 йил 27 декабрда “Uz-Dong Vong Co.” қўшма корхонаси ташкил этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Мазкур корхона ташкил этилишидан асосий мақсад автомобиллар учун овоз сўндиргич, эшиклар учун зарбани қайтарувчи балкалар, кузов қисмларини ишлаб чиқариш а уларни, “UzDaewooAuto” заводига етказиб беришдан иборат бўлган. Корхона Жанубий Кореянинг “Daewoo” корпорацияси ва “Dong Vong” металл компанияларининг замонавий технологик жиҳозлари билан таъминланган. Қўшма корхонанинг ишлаб чиқариш линиясида қирқиш, трубаларни букиш, пайвандлаш, йиғиш ҳамда

синаш ишлари бажарилади. Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати йилига 200 минг комплектга тенгдир.

Яна бир корхона Асака автомобиль заводида ишлаб чиқарилаётган автомобиллар учун электро жгутлар ишлаб чиқарувчи “Uz-Kodji” қўшма корхонаси 1997 йил январь ойида ташкил этилган бўлиб, Андижон вилоятидаги Хонобод шаҳрида жойлашган. Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 548-сон ва 1999 йил 13 январдаги 16-сон қарорлари ижросини таъминлаш, шунингдек, республика автомобилсозлик саноатининг ишлаб чиқариш базасини шакллантириш ва ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш мақсадида ташкил қилинган [16].

Заводнинг Хонобод шаҳрида жойлашишининг сабабларидан бири, ушбу ҳудудда “Андижон кабель” заводининг мавжуд бўлганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистон томонидан “Ўзавтосаноат” акциядорлик компанияси, Жанубий Корея томонидан эса, “ИРАЕ Ко. ЛТД” ва “Kodji Industry LTD.” компаниялари заводнинг таъсисчилари этиб белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш муҳимки, автомобиль двигатели юқори ҳарорат остида, қизиб ишлайди. Шу боисдан автомобиллар электр узатгичларининг иссиқликка чидамлилиги юқори бўлиши талаб этилади. Бундан ташқари, двигатель ишлаши жараёнида электр ўтказгичлар енгил алангаланувчи ёнилғи аралашмалари билан алоқа (контакт)да бўлади. Шунинг учун автомобилларда ишлатиладиган электр жгутларнинг ёнилғи таъсири ва юқори ҳароратга чидамлилиги кафолатланган бўлиши керак. Одатда электр жгутлари ишлаб чиқарувчилар сифатга алоҳида эътибор қаратишади, улар нафақат юқори ҳароратга чидамли бўлмоғи, балки жуда совуқ (-40 даража) ҳароратда ҳам ўтказувчанлик қобилиятини сақлаб қолиши лозим.

Хусусан, мазкур қўшма корхонада автомобиль жгутларини ишлаб чиқариш учун мослашувчан технологиялар ўзлаштирилган. Корхона Жанубий Кореядан мингдан ортиқ турдаги бутловчи қисмлар ва материалларни импорт қилади. Электр симлари ишлаб чиқаришда автомобилларнинг хавфсизлигини

ошириш учун ҳарорат, бензин ва мойга чидамли материаллар ишлатилади, бундан ташқари, ёнғин содир бўлганда симлар ўз-ўзини ўчиришини таъминлаш учун махсус кимёвий моддалар ишлатилади. Шу сабабли ҳам корхонада сифат масаласига алоҳида эътибор берилади. Ҳозирги кунда заводда 1100 та ходим фаолият юритиб, унда йилига 60-70 млн. АҚШ долларлик маҳсулот ишлаб чиқарилади [17].

Автомобиль ишлаб чиқариш жараёнида муҳим бўлган яна бир эҳтиёт қисм – бу ойналардир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 октябрдаги “Автомобиль ойналарини ишлаб чиқаришни ташкил этиш тўғрисида”ги №432 -сон Қарори билан Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида “Автоойна” қўшма корхонаси ташкил этилди [18]. Унда ишлаётган ходимлар сони 790 нафарни ташкил этиб, улардан 161 нафари аёллардир. Корхонанинг қурилиш-монтаж ишлари 2000 йилда тугалланган бўлиб, “кесиш”, “тоблаш” ва “ламинация” цехлари ўз фаолиятини “Damas” ва “Nexia” автомобиллари учун ойналар ишлаб чиқаришдан бошланган. Корхона маҳсулотларининг асосий ҳаридори “GM Uzbekistan” АК ва унинг Хоразм вилоятидаги филиали бўлиб, бу корхоналарга у “Damas”, “Matiz”, “Nexia”, “Spark”, “Gentra”, “Cobalt” автомобиллари учун ойналар етказиб беради. Бундан ташқари, корхонада “SamAuto” МЧЖ ва “MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхоналари томонидан ишлаб чиқариладиган автобус ва юк машиналарига ҳам ойналар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди, автомобиль ва маиший хизмат саноати ишлаб чиқариш базаси шакллантирилди ва ривожлантирилди [19].

Автомобиль ойналари ишлаб чиқаришда асосий хом ашё вазифасини ўтовчи силлиқланган ойналар Россия Федерациясининг “Салаватстекло” ва “Саратовстройстекло” компанияларидан келтирилади. “Автоойна” қўшма корхонаси аккредитациядан ўтган бўлиб, ўзининг синов лабораториясига эга. Унга 2012 йилда ISO/TS 16940:2009 халқаро сифат сертификати берилган. Замонавий ускуналар Италия, Швеция ва Финляндиядан келтирилган бўлиб, хорижда малака ошириб қайтган юқори малакали мутахассислар иштирокида

корхонада чет элда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан рақобатлаша оладиган маҳсулот етказиб бериш йўлга қўйилган. “Pilkington”, “Glassrobots” (Финляндия), “Cugher”, “Keraglass”, “Triiulzi Cesari”, “Tekna” (Италия) компаниялари ва бошқалар корхонанинг чет эллик ҳамкорлари бўлиб, улардан жорий ускуналар олиб келинган.

Эътиборли томони шундаки, ушбу цехлар 2005 йилда аккредитация тажриба лабораторияси аттестатини қўлга киритган. Айнан шу йили Россия Федерацияси томонидан “Е22” сифат белгиси сертификати тақдим этилган. 2006 йилда эса, “Matiz” автомобили ойналарини ишлаб чиқариш учун қўмақловчи сертификат берилган. Ушбу сертификат 2007 йилда халқаро DIN EN ISO 9001:2000 стандарти билан тасдиқланди. 2010 йилдан бошлаб эса навбатли ламинация ва кесиш тизимининг II навбати ишга туширилди.

Маҳсулотнинг таннархини тушириш жараёни маҳаллий ишлаб чиқаришнинг кучайиши билан биргаликда кечади ва четдан келаётган материал ҳамда маҳсулотларни маҳаллийсига алмаштириш жараёни маҳсулот таркиби учун зарур ингредиентларнинг маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ. Шунда “Автоойна” корхонаси маҳсулотининг тўлиқ таннархи, ишлаб чиқарилиш нархи, цехда белгиланган нарх, технологик таннарх таҳлили ўз-ўзидан келиб чиқиши ойдинлашади.

Заводнинг ижтимоий-маиший соҳадаги ишларига эътибор қаратадиган бўлсак, 2016 йил натижасига кўра, корхонадаги ижтимоий дастурлар, асосан ишчилар ўртасида “Мустақиллик”, “Наврўз” байрамларининг ўтказилиши, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, зарарли меҳнат шароитида иш олиб бораётган ишчиларни бепул тиббий кўрикдан ўтказиш сингари тадбирларни кўзда тутган. 2015-2016 йиллардаги хайрия ишлари таҳлилига келсак, корхона вилоятнинг болалар спортини ривожланиши тадбирларига ҳомийлик ишла равишдарини амалга оширганлигини кузатамиз. Шунингдек, “Ташаббус-2015” тадбирини ташкил этиш ва ўтказиш ишларини амалга ошириш тўла корхона зиммасида бўлганлиги ҳам маълум.

Автомобилсозлик соҳаси маҳаллийлаштирилиши жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 октябрдаги ПК-1213-сон Қарорига мувофиқ [20] қабул қилинган Инвестиция дастури доирасида “GM Uzbekistan” ОАЖ автомобиллари учун шовкин изоляторларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида махсус завод ташкил этилди. Лойиҳанинг таъсисчилари – “Ўзавтосаноат” ва “HANWOOGLOBAL” компаниялари бўлиб, улар ўзаро тенг улушга эга. Шундай қилиб, Ўзбекистон автомобиль саноатида яна бир янги корхона – Андижон шаҳрида жойлашган “Uz-Hanvu” МЧЖ ўз фаолиятини бошлади [21].

“Uz-Hanvu” МЧЖнинг қурилиш ва монтаж ишлари қисқа вақт ичида якунланди ва “GM Uzbekistan” корхонаси учун шовкин тўсувчи қисмларни етказиб бериш 2009 йилнинг декабрь ойидан йўлга қўйилди. Корхона йирик ҳамкорга эга бўлганидан сўнг, янги ишчи ўринларни ташкил этиб, 159 та янги ишчи ходимларга эга бўлди. Шу даврдан бошлаб шовкин-изоляция деталлари ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш учун “Uz-Hanvu” ходимлари ва корейс экспертлари томонидан катта ишлар олиб борилган ва юқори натижаларга эришилган. Шу билан бирга, 2012 йилдан бошлаб Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ва “GM Uzbekistan” компанияси ҳамда “Uz-Hanvu” ходимлари томонидан университет технопаркида шовкин-изоляция бутловчи қисмини такомиллаштириш устида қўшимча ишлар олиб борилган [22].

Қайд этиш жоизки, мустақиллик йилларида бошқа ҳудудлар қатори Андижон шаҳрида ҳам мамлакатимиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутувчи кўплаб саноат корхоналари барпо қилинди. Мавжудлари техник ва технологик жиҳатдан янгиланди. Бу эса, ўз навбатида, импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш қулай имкониятларни яратиб бермоқда. Масалан, илгари Асакадаги автомобиль заводига зарур бўлган бўёқлар четдан келтириларди. Андижон шаҳрида “Ўз Донг Жу Пэинт Ко.” кўшма корхонаси фойдаланишга топширилгач, нафақат ушбу муаммога ечим топилди, балки кўплаб маҳаллий ёшлар муҳим даромад манбаига ҳам эга

бўлишди. Корхона Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 30 майдаги “Автомобиллар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналари ташкил этиш тўғрисида”ги 191-сон Қарорига мувофиқ барпо этилган [23].

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган бўёқлар сифат борасида ISO-9001-2008, экологик тозалиги жиҳатидан ISO-14001-2004, аҳоли саломатлигини сақлаш ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича OHSAS-18001-2007 халқаро сертификатларини қўлга киритгани алоҳида эътиборга молик. Дастлабки йилларда 1,5 тоннага яқин автобўёқ тайёрланган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 5690, 2009 йилга келиб эса, 6380 тоннани ташкил этди. 2010 йилда 747 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Эришилган ютуқлар заводда модернизациялаш ва техник жиҳатдан янгилаш ишлари изчил олиб борилаётгани самарасидир.

Корхонада, шуниндек, бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда, саноат ва қурилиш бўёқларини тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилган. Чунончи, бир йилда 3836 тонна лак-бўёқ ҳаридорларга сотилиб, 199 минг АҚШ доллари қийматига эга маҳсулот экспортга чиқарилган. Ўтган 2005 йилга қадар ўзида яна 6 хил рангдаги бўёқ лаборатория синовларидан муваффақиятли ўтди.

Бундан ташқари, саноат корхоналаридаги бетон қопламаларининг механик, кимёвий ва физик мустаҳкамлигини оширувчи “Concrete Hard” маҳсулотини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди [24]. Биноларнинг ташқи кўринишига ўзгача чирой бағишловчи минерал сувоқ эса ҳудуддаги Булоқбоши туманида ташкил этилган янги цехда тайёрланмоқда. Мазкур цех йилига 200 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлиб, ҳозиргача ўртача ҳисобда 13 тоннаси буюртмачиларга етказилган. Корхонада сувли бўёқ ва республикада биринчи бўлиб рангли лак ишлаб чиқарилиши баробарида, эндиликда антифриз, автомобиль ойналарини ювувчи суюқ восита, термостат, ёнғинга чидамли бўёқлар тайёрлаш бўйича лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш ишлари ҳам режалаштирилга [25].

Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестицияларини жалб этган ҳолда автомобиль саноатини йўлга қўйиш ва уни янада ривожлантириш мақсадида

1995 йил 30 майда Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобиллар учун бутловчи буюмлар ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Корея қўшма корхоналарини ташкил этиш тўғрисида”ги [26] Қарори қабул қилинганлигини юқорида таъкидлаган эдик.

Бу, ўз навбатида, ҳудудда аграр сектор улуши камайиб, саноат ишлаб чиқариш соҳаси улушининг ошишига имконият яратди. Сир эмаски, юқори технологияларга эга бўлган корхоналар аҳоли ижтимоий ва иқтисодий шароитининг яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатди [27]. Мисол учун, 2010 йилда Фарғона вилояти аҳолиси сони 3074,6 минг кишини ташкил этиб, улардан бандлик 87,4%ни ташкил этарди. Жумладан, автомобилсозлик ва машинасозлик соҳаларида фаолият юритаётган коллеж битирувчиларининг сони 4346 нафарни ташкил этгани ҳам давлатнинг устувор ижтимоий сиёсатларидан бири – битирувчи ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш режаси амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Вилоят меҳнат ресурсларининг қўшма корхоналарда бандлиги даражаси 0,7%ни ташкил этади. Қўшма корхоналарнинг ташкил этилиши ва ривожланиши, энг аввало, Фарғона вилоятининг урбанизация кўрсаткичи ошаётганлигини ва уларнинг ривожланишида меҳнат ресурслари омилининг таъсири катта бўлаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистонда автомобиль саноатининг шаклланиши ва ривожланиши жараёнида Фарғона вилояти ҳудудида илк бор чет эл инвестициялари иштирокида Жанубий Корея Республикаси билан ҳамкорликда “UzSungwoo” қўшма корхонаси ташкил этилганлигини ҳам таъкидлаш жоиз. Ўзбекистоннинг “Ўзавтосаноат” акционерлик компанияси ва Жанубий Кореянинг “Sungwoo Hitech” компаниялари корхонанинг таъсисчилари ҳисобланади [28].

Жанубий Кореянинг “Sungwoo Hitech” компанияси 1987 йилнинг 1 майида ташкил этилган бўлиб, бугунги кунда дунёдаги етакчи автомобиль ишлаб чиқарувчи фирмалар учун, асосан, кузов, эшик ва бамперларга мўлжалланган қолипларни етказиб беради [29]. Компаниянинг маҳсулоти бутун дунёга машҳур бўлиб, унда 20 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчилар фаолият олиб

борадилар. Мазкур корхонанинг енгил ва юк автомобиллари, тўлиқ спектрли маҳсулотларидан Жанубий Корея, Хитой, Ҳиндистон, Россия, Чехия, Словакия, Германия, Мексика ва Ўзбекистон каби давлатларда кенг фойдаланилади.

Қўшма корхона юқори технологиялар билан жиҳозланган бўлиб, “GM Uzbekistan” қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобиллар учун қолипланган ва пайвандланган деталлар ишлаб чиқаради. “UzSungwoo” қўшма корхонасининг асосий маҳсулотлари сифатида “Cobalt”, “Nexia-3”, “Gentra” автомобилларининг ички таркибий қисмлари, “Damas”нинг эса, ташқи панеллари ишлаб чиқарилишини қайд этиб ўтиш мумкин. Заводнинг технологик жараёнига эътибор қаратадиган бўлсак, аввало, деталлар учун мўлжалланган металл ва рулонлар дастлабки сақлаш ва назорат қилиш омборига келиб тушади, сўнгра, металл пластиналар тайёрлов участкасига олиб келинади ва штамплашга тайёрланади. Металли пластиналар барча зарур босқичларни босиб ўтганидан сўнг, омборларда назоратдан ўтади ва пайвандлаш цехларига етказилади. Сақлаш ва юклаб жўнатиш жараёни охирига жараён ҳисобланади. Бу бўлимда маҳсулот тўғридан-тўғри ўз манзилига етказилади. Технологик ускуналар корхонага, юқорида айтиб ўтилганидек, “Sungwoo Hitech” компаниясидан олиб келинган бўлиб, пресслаш мосламаси, робот-манипулятор, таъмирлаб пресслаш-штампли роботи, бичиш машинаси ва пайвандлаш функциясини бажарувчи техник роботлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Бугунги кунда корхонанинг экспорт кўрсаткичи юқори ҳисобланади. Корхона ўз маҳсулотларини Жанубий Корея, Бразилия, Россия каби йирик саноатлашган давлатларга экспорт қилади. Ташқи бозорда маҳсулотнинг ҳаридоргирлиги қанча юқори бўлса, ички бозордаги ҳаридорлар ҳам шунча сифатли маҳсулотдан фойдаланиш имконига эга бўлади. Корхонанинг ҳозирги кундаги асосий ҳаридори “GM Uzbekistan”, “Uz Auto Austem”, “GM Brazil”, “GM Korea” ва “Группа ГАЗ” ҳисобланади.

“UzSungwoo” корхонасида 11 та бўлим фаолият юритади, булар: завод дирекцияси, маъмурият, молия бўлими, саноат моллари билан таъминлаш бўлими, логистика, муҳандислар бўлими, юкни ортиб жўнатиш ва улгуржи савдо бўлими, сифатни бошқариш бўлими, техник бўлим, бош энергетик бўлими (бўлимда оғирликни ўлчаш ва пайвандлаш цехи мавжуд) ва қўриқлаш бўлимларидир.

Мутахассислар фикрича, Фарғона вилоятининг Фарғона шаҳрида жойлашган “UzSungwoo” кўшма корхонаси ўзининг барпо этилиши тарихи, муваффақиятлари, иқтисодий кўрсаткичлари, кадрларни тайёрлаш, маҳсулот реализацияси ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига бўлган таъсири билан республиканинг ривожланиш кўрсаткичларини белгилаб келмоқда. Завод фаолияти ва унинг тарихини ўрганишдан мақсад – корхона ўз фаолияти билан мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётганлигини очиқ беришдан иборат.

Таҳлилларга эътибор берадиган бўлсак Ўзбекистондаги кўшма автомобиль саноати корхоналари ортидан ўнлаб замонавий бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўз ўрнини эгаллаб турибди. 2013 йилги маҳаллийлаштириш дастури доирасида “Ўзавтосаноат” АЖ томонидан 6,86 трлн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган. Саноатни модернизациялаш йўлида 317 бирликдаги эскирган ускуналар ўрнига баҳоси 19,3 млн. АҚШ доллари қийматидан ортиқ янги ускуналар жорий этилди [30].

“Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясида кадрлар билан ишлаш дастури қабул қилинган бўлиб, кадрларни тайёрлаш, уларни ўқитиш ва стажировкадан ўтказиш, ишчи-ходимларининг малакасини ошириш жараёнлари асосан Асака заводининг ўқув марказида ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетида амалга оширилади. Шунингдек, завод ҳудудида жойлашган корпусда ишчиларнинг малакасини ошириш бўйича махсус бўлинмалар ҳам фаолият олиб боради.

Шуниси эътиборга молики, Ўзбекистон ўз саноатини ривожлантириш йўлида фаол сиёсат олиб бормоқда, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш

мақсадида тайёр маҳсулотларнинг турлари кенгайтирилмоқда ва шу орқали саноат молларининг юқори қўшимча қиймати белгиланмоқда [31]. Дарҳақиқат, саноатга доир сиёсат – биринчиликни етакчи соҳалар эгаллаши билан эмас, балки ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичини оширган ҳолда ишчи ўринларини барпо этиш ва бунинг ҳисобига маҳсулотлардан бошқа соҳаларда фойдаланилиши эвазига корхоналар маҳсулотига эҳтиёжнинг ошиши билан белгиланади. Бошқача қилиб айтганда, биринчиликни эгаллаш учун шундай соҳалар танланиши керакки, улар ўзининг фаолияти билан давлат иқтисодиётида етакчи вазифани бажаришни уддалай олсин [32].

Зеро, республикада миллий маҳсулотни ишлаб чиқариш, уни ички бозорга етказиб бериш ва чет мамлакатларга экспорт қилиш иқтисодиётимизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Бу борада, муҳим ҳужжат 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг [33] қабул қилиниши мамлакат автомобилсозлик саноатида чуқур ислохотлар ва ўзгаришлар қилишни, тармоқни яна қайтадан кўриб чиқишни тақозо этди.

Шунингдек, республикада аксарият хорижий мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқалари янгидан йўлга қўйилиши натижасида кўплаб чет давлатлар автосаноат компаниялари билан ҳамкорлик ўрнатилиб, соҳани икки томонлама ривожлантириш йўналишлари белгилаб олинishi ҳам бу борада муҳим қадамлардан бири бўлди.

Маълумки, Россия Федерациясининг “КАМАЗ” очик акционерлик жамияти 2018 йилда Ўзбекистонда юк машиналарини йиғишни йўлга қўйган. Бунинг натижаси ўлароқ Ўзбекистон ва Россия нисбатан қисқа муддат ичида автомобиль ишлаб чиқариш бўйича саноат кооперациясида яхши натижаларга эришганини кўриш мумкин [34].

Ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳосиласи сифатида Ўзбекистонда оғир тижорат автомобиллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва “КАМАЗ”нинг бош заводига Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қисмларни етказиб бериш орқали “КАМАЗ” очик акционерлик жамияти билан келишувга эришилди. Шу

тариқа Ўзбекистонда Россия Федерацияси оғир техника ишлаб чиқарувчи корхонасининг самарали фаолият кўрсатишига замин яратилди.

2019 йилдан республикада “КАМАЗ” очик акциядорлик жамияти билан ҳамкорликда ҳар хил турдаги ихтисослаштирилган автомобиллар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ишлари бошланган. Бу эса, ўз навбатида, ўзаро савдо муносабатлари ривожланишига туртки бўлади ҳамда ушбу лойиҳалар орқали тез фурсатларда бутловчи қисмлар, ускуна ва технологиялар етказиб бериш бошланади.

Умуман олганда, “КАМАЗ” бренди Россиянинг йирик автомобиль корпорациясини ўзида ифода этиб, унинг Россия автобозоридаги улуши бугунги кунда 50 фоиздан ортиқни ташкил этмоқда. “КАМАЗ – Мастер” жамоаси Париж-Дакар автораллисида 13 марта ғалаба қозониб, уч марта жаҳон чемпиони бўлганлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим.

Ҳозирда корпорация 40 дан ортиқ моделда юк автомобиллари, тиркамалар, автобуслар, тракторлар, двигателлар, куч агрегатлари ишлаб чиқаради. Қолаверса “КАМАЗ” жаҳоннинг оғир юк автомобиллари ишлаб чиқарувчи 20 та етакчи компаниялари рўйхатига кириши ҳам эътиборга моликдир.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, бугунги кунда Ўзбекистон билан самарали ҳамкорлик олиб бораётган автогигантлардан бири “MAN” савдо белгиси остида автомахсулот ишлаб чиқарувчи концерн ҳисобланади.

“MAN” (илгари Maschinenfabrik Augsburg-Nürnberg машинасозлик фабрикаси деб номланган) автомобиль концерни Европада очик акциядорлик жамияти мақомига эга. Бош қароргоҳи Германиянинг Мюнхен шаҳрида жойлашган. Айти пайтда Германиянинг яна бир автогиганти “Volkswagen AG” концерни компаниянинг асосий акционери ҳисобланади ва 75,73% акциясига эгалик қилиб келмоқда. Дунё бўйлаб “MAN” корхоналарида 53824 нафар киши меҳнат қилади. Ходимларнинг 31444 нафари компаниянинг Германияда жойлашган заводларида ишлайди. Компаниянинг йиллик пул айланмаси (2017 йил ҳисобига) 14,2 млрд. еврони ташкил этган, шундан 76%и

хориждаги ишлаб чиқариш корхоналарига тўғри келган. “MANTruck&Bus» компанияси учун МДХ минтақаси муҳим бозорлардан бири ҳисобланади [35].

Компаниянинг ривожланиш стратегиясига мувофиқ, Ўзбекистонда нафақат савдо ва сервис хизмати кўрсатиш ваколатхонаси, шунингдек, ишлаб чиқариш қувватлари ҳам ташкил этилган. Масалан, II бобда қайд этиб ўтилганидек, 2009 йил августда “MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонаси ишга туширилди. Бугунги кунда ишлаб чиқариш мажмуасида қарийб минг нафарга яқин ишчилар меҳнат қилади [36].

Ривожланиш режаси корхонани самосваллар кузовлари ва автотрейлерлар, контейнер ва автомобиль ташувчилар, тентли ва изотермик ярим тиркамалар, махсус кузовлар ва транспорт воситалари ишлаб чиқариш мақсадида тиркама ва осма ускуналар ишлаб чиқаришга мўлжаллаб, ишга туширишни назарда тутди.

Мазкур завод айни пайтда металл ва листли металл профилларга ишлов бериш, осма ва тиркама техникани пайвандлаш, бўйаш, йиғиш ва кейинчалик уларни синовдан ўтказиш ишларини тўлиқ амалга оширади. Бугунги кунда корхона томонидан қуйидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди: тентли ярим тиркамалар ва кузовлар, изотермик ярим тиркамалар ва кузовлар, юк кўтариш қуввати 16, 18, 25, 35 ва 50 тонна бўлган автокранлар, битум, цистерна, буғдой ва пахта ташувчилар, бетон аралаштиргичлар, цемент ташувчилар, оғир паст рамали юк машиналари ва бошқалар.

Муҳим жиҳати, Ўзбекистондаги тижорат автотранспорт воситалари бозори юксак салоҳиятга эга бўлиб, қуйидаги омиллар унинг янада ривожлантиришга ёрдам беради:

- автотранспорт воситаларини харид қилиш бўйича махсус молиявий дастурларнинг мавжудлиги ва уларнинг ҳукумат томонидан қўллаб-қувватланиши, лизинг ва кредит бозорининг жадал суръатлар билан ривожланаётганлиги;

- ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, кичик ва ўрта бизнеснинг фаоллиги, иқтисодийнинг стратегик тармоқларида ҳукумат ва халқаро молия институтлари кўмагида амалга оширилаётган лойиҳалар;

- нефть-газ, тоғ-кон, қурилиш, транспорт ва савдо соҳаларидаги компаниялар фаолиятининг жадал ривожланаётгани.

Республика миқёсида “MAN” компанияси ўзининг тезкор тараққиёти, юқори сифатли автомобиллари ва кўрсатаётган хизматлари туфайли бозорда барқарор ўсиш суръатини сақлаб қолиб, мижозлар ишончини қозонишга эришди. Бинобарин, “MAN Auto-Uzbekistan” қўшма корхонаси TGS 26.400 тягачлари ва самосвалларини харид қилувчи “Ангрен” Логистика маркази, “Ўзавтойўл” давлат акциядорлик компанияси, Йўл фонди ва Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи, Олмалиқ ва Навоий кон-металлургия комбинатлари, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат акциядорлик темир йўл компанияси, “GM Uzbekistan” қўшма корхонаси ва “Coca Cola” сингари йирик компаниялар билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда [37].

Автомобиль саноатининг ривожланишининг муҳим бўғинларидан бири логистика ҳисобланади. Логистика – қўйилган мақсадга эришиш йўлида режалаштирилган операцияларни амалга ошириш учун зарур бўладиган режалаштириш, таъминот ва кўчириш воситаларини кўзда тутадиган фаолият техникаси ва фаолиятнинг техник турларидир.

XXI аср бошида ривожланаётган давлатларда савдо бизнеси ривожда логистик йўналишни йўлга қўйишда тўсиқларнинг камайиши тенденцияси кузатилмоқда: логистикани ташкиллаштирадиган мутахассислар кўпайиб бормоқда, товарлар бозорининг инфраструктураси ривожланмоқда, ахборот тизимлари ривожланмоқда (улар кўпайиб бормоқда, технологик имкониятлари кучайиб бормоқда, нархлари пасаймоқда ва бошқалар) [38].

Саноати ривожланган мамлакатларда логистиканинг ривожланиши моддий оқимларни, шунингдек, улар билан боғлиқ бўлган ахборот ва молиявий оқимларни бошқариш назарияси ва амалиётининг ривожланиши аспектида [39], яъни товарлар ва хизматларни охирги истеъмолчиларгача

унинг талабларига мувофиқ тарзда рационал етказиб бериш жараёнлари билан боғлиқ бўлган масалалар жамланмасини ҳал қилиш жиҳатидан кўрсатилган. Логистиканинг 1980-90 йилларида кўпгина компаниялар ўзлари учун янги ишлаб чиқариш технологиялари ва стратегияларини очган бўлиб, бу уларга ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва дунё бозорида яхшироқ рақобат қилиш имконини берган.

Халқаро аренада логистик фаолият кўпроқ мажмуалашган, ишлаб чиқариш ва таркатиш марказларини жойлаштириш, транспорт турларини танлаш, сервис типларини танлаш, заҳираларни бошқариш услубларини танлаш, мос келувчи коммуникация тизимлари ва ахборот тизимларини лойиҳалаш каби кўникмаларни талаб қилган. Кўриб чиқиладиган даврда бутловчи қисмларни мижозларнинг (саноат, сервис хизматлари ва савдо фирмалари) омборларига жойлаштириш, юкларга қайта ишлов бериш, ташиш, божхонада расмийлаштириш, заҳираларни бошқариш ва ҳоказолар бўйича мажмуавий логистик хизматлар кўрсатадиган логистика компаниялари сонининг шиддат билан ортиши билан тавсифланади [40].

Ушбу соҳанинг ўзига яраша ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари, шу билан бирга бир қанча муаммолари ҳам мавжуд. Ишлаб чиқаришда логистика хизматлари улушининг кенгайиши, Ўзбекистондаги аҳолиси кўп бўлган шаҳарларда минтақавий компанияларнинг вужудга келиши, улгуржи савдо корхоналари ҳисобига логистик воситачиларнинг улушини ошириш, логистик технопаркларни яратилиши, дунёдаги йирик логистик операторларнинг Ўзбекистон бозорига чиқиши - соҳанинг истиқболи бўлса, бу соҳада қонунчилик даражасининг етарли эмаслиги, логистикани мамлакат ҳудудида нотекис ривожланганлиги, транспорт ва омборхоналарнинг эскилиги юкларни етказиб бериш технологиялардан фойдаланиш даражасининг етарли эмаслиги, компания ва халқаро трансмиллий корпорацияларнинг логистик инфратузилмаларига инвестицияларнинг етишмаслиги-соҳа муаммоларини ташкил этади [41]. Мазкур санаб ўтилган соҳа ютуқлари ва камчиликлари автомобиль санаотидаги логистик масалаларни 60%ни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда автомобиль саноатини ривожлантириш сиёсати жаҳон иқтисодий глобаллашуви шароитида иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини рағбатлантириш орқали амалга оширишга қаратилган бўлиб, бу сиёсат алоҳида тармоқ ёки тармоқларни ривожлантиришга нисбатан кенгрок мақсадни кўзлайди. Бунинг натижасида иқтисодиётнинг қиёсий устунликлардан фойдаланиш имкониятлари кенгаяди ва мамлакатнинг барча ресурсларидан самарали ва тўлиқ фойдаланишга эришилади.

Бугунги глобаллашув шароитида Ўзбекистонда автомобилсозлик соҳасини ривожлантириш жараёнида жаҳондаги йирик компаниялар ва концернлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш, чет эл инвестициясини кўпроқ жалб этишга катта аҳамият берилмоқда. Шунингдек, автомобиллар эҳтиёт ва бутловчи қисмларини (пластмасса, ойна, бўёқ, лак, электр симлари ва бошқ.) маҳаллийлаштириш масаласига ҳам эътибор кучайтирилиб, заводларга етказиб берилаётган автомобиль эҳтиёт қисмларининг катта қисми республиканинг турли вилоятларида тайёрланмоқда.

ИҚТИБОСЛАР / СНОСКИ / REFERENCES

1. <http://elibrary.ru/>
2. Zygmunt Bauman. Globalization. – Columbia University Press, 2000. –Р. 211.
3. <https://gis.uz/uz/page/strategy>
4. Холматов Н.Б., Имомова Н.А. Ўзбекистонда саноатлаштириш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг илмий-назарий жиҳатлари // Иқтисод ва молия. – 2010. – 1-сон. –Б. 20-23.
5. <http://elibrary.ru/>
6. <http://elibrary.ru/>
7. О компании ООО «УзДонгЯнг Компани». <http://uzavtosanoat.uz/ru/ooo-uz-dong-yang-compani.html>
8. <http://elibrary.ru/>
9. <http://elibrary.ru/>

10. <http://elibrary.ru/>
11. <http://bibliofond.ru/>
12. <http://elibrary.ru/>
13. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан «О создании совместного узбекско-корейского предприятия УзДонг Янг Ко.». <http://www.lex.uz/docs/1629651>.
14. ЎзМА, М-129-фонд, 1-рўйхат, 54-иш, 14-варақ.
15. О компании ООО «УзДонгЯнг Компани». <http://uzavtosanoat.uz/ru/ooo-uz-dong-yang-compani.html>.
16. Наши новости. <http://uzavtosanoat.uz/ru>
17. Автоолам. Журнал. 2012. 14-сон.
18. ЎзМА, М-129-фонд, 1-рўйхат, 2-иш, 2-варақ
19. О компании. www.avtoouna.com.
20. <https://mininnovation.uz/>
21. <https://uzavtosanoat.uz/ooo-sp-uz-hanwoo.html>
22. Пайдоев Х. Техник ва технологик янгиланиш. // Халқ сўзи. 2011, №24. -Б. 1-2.
23. Узбекский автопром: резервы роста за пределами отрасли. // Development Focus. 2013. №11. –С. 22.
24. <http://elibrary.ru/>
25. Мирзаахмедов Ҳ.С. Саноатда қўшма корхоналарни ҳудудий ташкил этиш ва ривожлантириш хусусиятлари. Географ. фан. номзоди ... дисс. – Наманган, 2005. –Б. 68.
26. [Uzavtosanoat.uz/company – uz./page/2](http://Uzavtosanoat.uz/company-uz/page/2)
27. <http://elibrary.ru/>
28. Газета «UzbekistanToday» Автомобильная промышленность: у каждого есть свои колёса. 14-выпуск. -С. 12.
8. “MAN Truck & Bus RUS” компанияси.
29. <http://elibrary.ru/>
30. <http://uzavtosanoat.uz/SEMYUNG.html>

31. <http://elibrary.ru/>

32. Абдуллаева Н. Фарғона вилоятида қўшма корхоналар ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятлари (“Автоойна” МЧЖ мисолида). // ЎЗМУ хабарлари. 2017. №1/5. –Б. 11-13.

33. <http://dba.uz/>

34. <http://fa.ru/>

35. “MAN Truck & Bus RUS” компанияси.
<https://invest.gov.uz/uz/investor/kompaniya-man-truck-bus-rus/>.

36. <http://www.samauto.uz/uz/about/mission/>.

37. Товары и услуги компании СП ООО «JV MAN Auto Uzbekistan».

38. Саматов Ғ.А., Агзамов Ф.С., Отақўзиева З.М. Логистика. –Тошкент, 2020. –Б. 23.

39. <http://elibrary.ru/>